

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙМИРЗАЕВ БАХТИЁР ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**“ЎЗБЕККЎМИР” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИ ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТ АСОСИДА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)
философии по экономическим наукам**

Content of the Doctoral (PhD) dissertation abstract

Баймирзаев Бахтиёр Жуманазарович “Ўзбеккўмир” акционерлик жамиятини инновацион фаолият асосида самарали ривожлантириш.....	3
Баймирзаев Бахтиёр Жуманазарович Эффективное развитие акционерного общества «Узбеккумир» на основе инновационной деятельности.....	25
Baymirzaev Bakhtiyor Jumanazarovich Effective development of "Uzbekkumir" joint stock company on the basis of innovative activity.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙМИРЗАЕВ БАХТИЁР ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**“ЎЗБЕККЎМИР” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИ ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТ АСОСИДА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитида жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда тармоқлар ва соҳаларни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 % айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инновацион техника ва технологияларни, фойдали ва даромаддор янгиликларни жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, замонавий техник ва технологик янгिलाш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эришмоқдалар.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида инновацион фаолиятини ташкил этиш ва самарали ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада инновацион фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотлар бозорини мақсадли ва самарали ривожлантириш ҳамда инновацион фаолият субъектларининг илмий лойиҳаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш керакки, илмий изланишларда инновацион фаолиятни амалга оширишга самарали механизмларни қўллаш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш-иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу - келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹. Шу жиҳатдан, миллий иқтисодиётнинг саноат корхоналарида, хусусан кўмир саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни самарали ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда миллий инновацион ривожланиш концепциясига асосланган инновацион ривожланиш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 23.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ҳамда 2018 йил 1 августдаги ПФ-5497-сон “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги Фармони, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги № 4234-сон “Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро тажрибада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг турли жиҳатларни Д.Аржибуджи, Я.Вайн вен, Ж.Ховелс, Д.Белл, П.Друкер, Б.Лундвал, Н.Мазур, И.Милькина, Е.Попова, Б.Санто, А.Тебекин ва бошқа олимлар ишларида топиш мумкин². Таниқли олимлар Й.Шумпетер, Р.Нельсон, С.Родосевич, Н.Розенберг, Г.Менш ишларида иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг инновацион асосини таъминловчи микроиқтисодий ва макроиқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган³.

² Archibudgi D., Howells J., and Michie J. (Ed.) Innovation policy in a global economy.–Cambridge, 2009; Bell, D.G. Knowledge markets and communities: two approaches for supporting product development teams. Invited talk at the Fordham Graduate School of Business CEUG Consortium. / D.G. Bell; 2011.–New York, NY.; Вайн вен Я. Теория и исследования инновационных процессов в рыночной экономике. –М.: Экономика, 1999, 195с.; Drucker P. Innovation and entrepreneurs: Practice and principles / P. Drucker. L.: Pan Books, 1986, p. 55.;Lundvall, B.A. National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning / B.A. Lundvall. London: Pinter Publishers, 2002; Мазур Н.З. Инновационная экономика: инновационные системы. Интеллектуальная собственность / Н.З. Мазур. – Самара: Издательство СНЦ РАН», 2001; Иванов В.В. Национальные инновационные системы: теория и практика формирования, монография / В.В.Иванов. – М.: СканРус, 2014. - 285с.; Инновационный тип развития экономики: учебник / [Архангельский В. В. и др.] ; под общ. ред.А. Н. Фоломьева, Рос. акад. гос. службы при Президента Рос. Федерации. Изд. 2-е, доп. и перераб. –М.: Изд-во РАГС, 2010. - 711 с.; Милькина И.В. Теоретические основы формирования стратегии инновационного развития территорий / И. В. Милькина // Инновации. 2017. 87 с.; Попова Е. Проблемные вопросы развития национальной инновационной системы в РФ Текст. /Е. Попова // Общество и экономика. 2007. 138 с.; Санто Б. Инновации как средство экономического развития.-М.: Прогресс, 1997,-255с.; Тебекин А. В. Инновационное развитие экономики / А. В. Тебекин. – М.: Моск. гос. Академия делового администрирования, 2015.

³ Шумпетер Й.А. История экономического анализа. / Й.А. Шумпетер; Пер. с англ. под ред. В.С.Автономова. СПб.: Экон. шк.: С.-Петербур. гос. ун-т экономики и финансов; М. : Высш. шк. экономики, 2001. - 1664 с.; Фатхутдинов, Р.Ф. Инновационный менеджмент / Р.Ф. Фатхутдинов. –М., 2016.; Nelson R. National Innovation Systems: A Comparative Analysis. Oxford: Oxford University Press, 2003.;Radosevic S. Region Innovation Systems in Central and Eastern Europe: Determinants, Organizers and Alignments. –Brighton: University of Sussex, 2012.; Rosenberg N., Birdzell L.E. How the West Grew Rich: The Economic Transformation

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва самарали ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича С.С.Фуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Махкамова, Р.И.Нуриббетов, Ш.И.Отажонов, А.Ф.Расулов, Д.Н.Рахимова, З.Т.Гаибназарова, А.М.Қодиров, И.С.Тухлиев, Г.Ж.Аллаева, Г.Б.Шоназарова ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар⁴.

Амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлсада, бугунги кунда республикамизда инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш ва самарали усуллари татбиқ этиш, бунда инновацион фаолият технологияларини жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган.

Хорижлик ва маҳаллий олимларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган илмий ишларида амалга оширилган инновацион фаолиятни ташкил этишнинг амалий томонлари муҳим илмий ва услубий манба бўлсада, бугунги кунда республикамиз саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва самарали ривожлантириш тизимли ёндашув асосида мустақил тадқиқот иши объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу ҳолатлар асосида мазкур тадқиқот иши мавзуси танланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170926232 «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеллектуал ҳамкорликни шакллантириш ва қўллаш» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Ўзбекқўмир” акционерлик жамияти самарадорлигини инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида ошириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

of the Industrial World. –N.Y.: Basic Books, 2006.; Менш Г. Менеджмент, инновация и рынок: Германская модель /Под редакцией У.Рора, С.Долгова. – М.: БЕК, 1998.-480с.

⁴Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. – Т.: Академия, 2006. –С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAPLAMBERT Academic Publishing RU, 2018. –С.49; Аллаева Г.Ж. Эффективное развитие предприятий топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан., автореферат дисс. докт. философии, Т.: 2018г., Шоназарова Г.Б. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш., ф.д.диссер., Т.: 2018й., Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари самарадорлигини ошириш., дисс. и.ф.д., Т.: 2018й., Расулов А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.:2012, 24-б; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан., дисс.д.э.н., Ташкент 2004г., Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. – Т.: 2008. С.19-21.; Оценка эффективности управления экономикой. Под ред. Ш.Н.Зайнутдинова, Э.Х.Махмудова. –Т.: ТГЭУ, 2008. –С.321; ЭргашевФ., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О. Инновацион менеджмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. –Б. 90.; Тухлиев И.С. Организационно-экономический механизм реализации научно-технического потенциала юго-западного региона Республики Узбекистан. -Т.: ГФНТИ, ГНКТ РУз, 1995, -9,2 п.л.

инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида энергетика, хусусан кўмир саноатини инновацион фаолият асосида ривожлантиришга доир мавжуд илмий ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш;

технологик модернизациялаш шароитида энергетика, жумладан кўмир қазиб олиш саноатида акциядорлик жамиятларини инновацион фаолият асосида самарали ривожланишининг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

саноат корхоналари, жумладан “Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти корхоналарининг самарали ривожланишига таъсир қилувчи ички ва ташқи муҳит омилларини тизимли таснифлашни амалга ошириш;

глобаллашув шароитида саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш;

инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитига кўмир саноатини мослаштириш ва ривожлантиришда мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

иқтисодиётни либераллаштириш шароитида саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ошириш асосида ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;

инвесторларнинг корхонага бўлган ишончини оширишга имкон берадиган инновацион ривожланиш хусусиятлари асосида ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;

инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида кўмир саноати корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти республика ёқилғи-энергетика тармоғининг етакчи “Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти ва унга қарашли бўлган саноат корхоналари самарали ривожланишининг инновацион жиҳатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг ўзаро йиғиндисидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статис-тик, корреляцион ва регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўмир саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим резерви сифатида маҳсулотлар таркибини тошкўмир ва қўнғиркўмир қазиб чиқариш ва уларга ишлов бериш асосида диверсификациялаш асосланган;

инновацион ривожлантириш шароитида “ишлаб чиқариш-илмий-салоҳият” интеграцияси самарадорлигини оширишда давлат хусусий шерикчилик, мақсадли истиқбол кўрсаткичлар асосида мониторинглаш, микро-мезо даражаларда инновацион фаолият инфратузилмаларини ривожлантириш каби механизмлар таклиф қилинган;

кўмир маҳсулотлари ички ва ташқи бозорида рақобатнинг кучайиши шароитида инвестицияларнинг устувор даражада асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга йўналтириш асосланган;

кўмир саноатини ривожлантириш стратегиясида брикеткўмир, бирламчи ва иккиламчи каолин ишлаб чиқаришнинг янги турларини жадал ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолиятни ишлаб чиқаришнинг самарали объекти сифатидаги мазмун-моҳиятининг назарий асослари такомиллаштирилган;

саноат корхоналари инновацион фаолиятини мавжуд имкониятлар асосида ташкил этиш ва ривожлантиришнинг жамлама индекс орқали босқичма-босқич амалга оширилувчи индивидуал ва ўрта индексларини аниқлаш ва ҳисоблаш асосида корхонанинг инновацион салоҳият даражасини аниқлаш алгоритми такомиллаштирилган.

инновацион фаолият самарадорлигини оширишда маҳсулот ва технологиялар трансферини ривожлантириш муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратилган ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш усуллари таклиф этилган;

“Ўзбеккўмир” АЖда инновацион фаолият мониторингини ташкил этиш орқали ривожлантириш истиқболлари асослаб берилган ва асосий фондларни янгилаш асосида корхона имкониятларини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

кўмир саноат корхоналарини технологик модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни инновацион ташкил этиш, инвестицияларни асосий капиталга жалб этиш ва ишлаб чиқариш фондларини янгилаш асосида корхоналарни ривожлантириш стратегияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Ўзбеккўмир” акционерлик жамиятининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш, улардан инновацион фаолият субъектларида ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республика саноат корхоналарида инновацион

фаолият самарадорлигини таъминлашда ҳамда республикада инновацион салоҳиятни ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда кўмир саноатини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни самарали амалга оширишни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

тошкўмир ва қўнғиркўмир казиб чиқариш, уларга ишлов бериш асосида маҳсулотлар таркибини диверсификациялаш бўйича таклифлар “Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти фаолиятига 2020 йил 20 майнинг 61-сонли буйруғи билан жорий қилинган (“Ўзбеккўмир” АЖнинг 2020 йил 10 июлдаги 01-13/772-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши 2018 йилда ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг 2017 йилга нисбатан 5,48 млрд.сўмга ошириш имконини берган;

Давлат-хусусий шерикчилик, мақсадли истиқбол кўрсаткичлар асосида мониторинглаш, микродаражаларида инновацион фаолият инфратузилмаларини ривожлантириш каби механизмлар “Ўзбеккўмир” акционерлик жамиятининг 2020 йил 20 майдаги 61-сон буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (“Ўзбеккўмир” АЖнинг 2020 йил 10 июлдаги 01-13/772-сонли маълумотномаси). Механизмларнинг амалиётга жорий қилиниши интеграцион жараёнларни самарали ташкил қилган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ушбу жараён қатнашувчиларининг синергетик самарадорлигини 17%га ошириш имконини беради;

Инвестицияларни устувор даражада асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга йўналтириш бўйича таклифлар “Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган (“Ўзбеккўмир” АЖнинг 2020 йил 10 июлдаги 01-13/772-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида “Ўзбеккўмир” АЖнинг молия-хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг самарали тизимини яратишга ва корхонани ривожлантириш стратегик режасини ишлаб чиқишга имкон берди. Натижада, “Ўзбеккўмир” АЖ ва унинг вилоятлардаги филиаллари унумдорлиги мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиши ва ишлаб чиқариш фондларини янгилashi натижасида 7,4 фоизга ошириш имконини берган.

Кўмир саноатини ривожлантириш стратегиясида брикеткўмир, бирламчи ва иккиламчи каолин ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ишлаб чиқилган таклифлар “Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти фаолиятига жорий қилинган. (“Ўзбеккўмир” АЖнинг 2020 йил 10 июлдаги 01-13/772-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши 2018 йилда ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг 2017 йилга нисбатан 5,48 млрд.сўмга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун тавсия этилган илмий нашрларда 17та илмий мақола chop этилган. (10 таси маҳаллий ва 7 таси хорижий журналларда).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий қисми кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг **“Технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналарини инновацион фаолият асосида ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни самарали ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари, “инновация” ва “инновацион фаолият” тушунчалари бўйича илмий ёндашувлар тадқиқ этилган, илм-фанни ривожлантириш самарадорлигини янада ошириш, инновацион технологиялар ва ишланмаларни яратиш, ишлаб чиқаришга қўллашни жадаллаштириш, миллий иқтисодиёт шароитида технологиялар трансферини кучайтириш муаммолари ўрганилган, инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича замонавий хорижий тажрибалар ва улардан Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш истиқболлари баён этилган.

Жаҳон иқтисодиётида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимизда иқтисодиётнинг замонавий, яъни инновацион шаклини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан илм-фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустаҳкам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилмоқда.

Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодиётнинг юқори инновацион фаоллиги давлатнинг илмий-техник бозордаги етакчи роли, миллий устувор йўналишларининг белгиланиши ва

давлатнинг инновацион тараққиёт жараёнига иқтисодий рағбатлантирувчи тизим орқали фаол таъсир кўрсатиши билан таъминланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналиши миллий инновацион механизмни барпо этишдан иборат бўлиб, мазкур механизм ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар ва муайян инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тизимидир. У янги билимларни ишлаб чиқариш, тадқиқотлар натижаларини иқтисодиётнинг реал секторига тезкор татбиқ этиш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга сотиш жараёнини таъминлаши лозим.

Шу муносабат билан инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, республикамиз саноати корхоналарининг ҳам ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги унинг фаолият самарадорлиги ва натижадорлигига боғлиқдир.

Тадқиқотда республика кўмир саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклнинг барча таркибий қисмлари ва бўғинларини ўзаро мутаносиблигини шакллантириш зарурлиги асосланди. Бундай йўналишлардан бири ишлаб чиқариш жараёнида инновацион фаолиятни бевосита амалга оширувчи ёки иштирок этувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмларини яратишдир. Бу эса кўмир саноати корхоналарида инновацион фаолиятни самарали шакллантириш ва унинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш заруратини вужудга келтиради. Инновацион фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибасини тизимлаштириш унинг айрим элементларини яратишнинг базавий жиҳатларини белгилаб олиш ва улардан миллий иқтисодиётда фойдаланиш имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш нуктаи назаридан энг истиқболли хориж тажрибалари ва йўналишлардан бири хусусий сектор ва илмий-тадқиқот ташкилотлари жалб қилинадиган моделлардан фойдаланишдир. Ушбу моделлар инновацион фаолиятни ташкил этишда инвестиция рискларининг тақсимланиши ва давлат маблағларининг тежалишини таъминлайди.

Республика кўмир саноати корхоналарининг инновацион фаолияти натижадорлиги бўйича олиб борилган таҳлиллар тошкўмир ва кўнғиркўмир қазиб чиқариш ва уларга ишлов бериш асосида маҳсулотлар таркибини диверсификациялаш зарурати аниқланди. Бу инновацион фаолиятни амалга оширишда унинг айрим секторларидаги узилишларни аниқлашга ва инфратузилма объектларини шакллантиришга илмий ёндашув зарурлигини исботлашга имкон беради. Уларнинг фаолиятида аниқланган ўзига хос хусусиятлар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми таъсирчанлигини ошириш лозимлигидан далолат бермоқда.

Бизнинг фикримизча, инновацион фаолиятни ривожлантириш механизми қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:


мавжуд илмий-тадқиқот муассасалари, саноат корхоналари ва кредит-молия ташкилотларининг изчил алоқаларини таъминлаш;

саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ва барқарор ўзаро алоқаларни таъминловчи механизмни яратиш;

саноат корхоналарининг инновацион ривожланишининг узок муддатли истиқболлини белгилаш зарурати;

саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини амалга оширишда ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви ва пировард натижага йўналтирилганлик.

Республика кўмир саноати корхоналарида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг мавжуд муаммолари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги ҳолат бугунги кунда корхоналар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу эса инновацион фаолиятни амалга оширишга қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этади (1-расм).



1-расм. Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш ўртасидаги алоқадорлик тизими⁵


Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикада кўмир саноатида инновацион фаолиятни ривожлантириш самарадорлигини янада ошириш, инновацион технология ва ишланмаларни тармоқ ва соҳаларга жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг кўламига қарамасдан, ҳозирги кунда барча моддий-техник, илмий-интеллектуал ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда республикадаги мавжуд илмий-техник салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу эса ўз навбатида корхоналарда илмий хажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги инновацион фаолиятни таъминлайдиган аниқ механизмларни янада такомиллаштиришни ҳамда мазкур механизмларни мамлакатда олиб

⁵Муаллиф ишланмаси

борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар суръатларига тўлиқ мослаштиришни талаб этмоқда.

Диссертацияда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва инновациялар бозорини ривожлантириш асосида инновацияларни самарали ривожлантириш механизми ишлаб чиқилган (2-расм).

Ишлаб чиқилган механизмнинг асосий мақсади кўмир саноати корхоналарида маҳаллий инновацион лойиҳалар ҳамда илмий-амалий ишланмаларни жорий этишни таъминлаш, илмий-техник фаолиятнинг истиқболли ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратишдан иборат.



2-расм. Инновацияларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизми⁶

Бизнинг фикримизча, инновацион фаолият иқтисодий категория сифатидаги таърифи қуйидаги жиҳатларни акс эттириши лозим:

- фан ва техниканинг ривожланиши, объектив иқтисодий қонунлар ва қонуниятлар асосида аҳоли ва жамият эҳтиёжларининг ўсиши натижасида доимий такомиллашувини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характерига эга жараёнлар мажмуаси;

⁶Муаллиф ишланмаси

- ишлаб чиқаришнинг янги сифат характерига эга бўлган янги маҳсулотларни яратиш, тижоратлаштириш ва амалда қўллаш учун керак бўлган инновацион салоҳиятдан фойдаланиш имкониятлари.

Амалга оширган тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолият субъектларининг ўзаро кооперацион алоқаларини ривожлантиришни, ҳамкорликдан олинadиган самарани оширишга имкон берувчи дастурларни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда мавжуд имкониятлар билан биргаликда, республикамизда инновацион фаолиятни янада ривожлантириш учун давлат қуйидагиларни амалга ошириши лозим: хусусий ташаббускорликни инновацион тадқиқотларга қаратувчи қулай бизнес муҳитни шакллантириш; венчур молиялаштириш механизмини йўлга қўйиш: микро, мезо ва минтақавий даражаларда инновацион фаолият инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш (суғурталаш, солиқ тизими, инновацион воситачилар институти, технопарклар, бизнес инкубаторлар ва ҳоказо).

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш жараёнида хусусий тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар бизнесни ташкил қилишнинг анаънавий моделдан инновацион моделига ўтиш имконини қўлга киритадилар.

Жаҳон тажрибаси иқтисодий инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали йўлларида бири муайян тармоққа тегишли ҳамкор ва ёрдамчи корхоналарнинг, қўшилган қиймат занжирининг барча иштирокчилари бирлашувини ўзида намоён этиш эканини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг **“Ўзбекқўмир” акционерлик жамияти корхоналарида инновацион фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий ҳолати**” деб номланган иккинчи бобда саноат корхоналарда инновацияларни яратишда инновацион фаолиятни ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг услубий жиҳатлари ўрганилган, инновацион салоҳиятни ошириш самарали ривожланишнинг муҳим омили сифатида баҳоланган ва ундан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибалар таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар асосида қўмир саноати корхоналарида инновацион фаолиятни олиб боровчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этиш модели ишлаб чиқилган (3-расм).


Шунингдек, муаллиф томонидан тадқиқотда саноат корхонасининг инновацион муҳитига қуйидаги таъсир ўтказувчи омиллар аниқланиб тизимлаштирилган:

- ижтимоий инфратузилма (ишчиларнинг таълим, тиббий ва маданий иншоотлардаги хизматларидан фойдаланиш имконияти);

- алоқа соҳаси (алоқа, ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги);

- табиий - географик шароитлар (транспорт, моддий-техник, энергия, ёқилғи ва хомашё ресурсларининг мавжудлиги);

- технологик ва илмий-техник соҳа (ишланмалар бозорининг мавжудлиги, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқаларнинг мавжудлиги);
- иқтисодий ва молиявий соҳа (инновацион фаолиятнинг давлат томонидан миллий ва минтақавий даражада қўллаб-қувватланиши, инновацион ишланмалардан манфаатдор инвесторларнинг мавжудлиги);
- сиёсий-ҳуқуқий соҳа (инновацион ва илмий-техник соҳани ҳуқуқий тартибга солишда миллий, минтақавий режа ва дастурларнинг мавжудлиги);
- хўжалик юртишнинг стратегик қамрови (бозорнинг муайян сегментида инновацияларнинг пайдо бўлиш тезлиги);
- меҳнат ресурслари бозори.




3-расм. Корхонада инновацион фаолият субъектлари ишини самарали ташкил этиш модели⁷

Фикримизча, корхона инновацион фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни бир қатор белгиларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан, бошқарувчанлик даражасига кўра, корхона инновацион фаолиятига таъсир ўтказувчи омилларнинг таснифий белгилари таклиф қилинган. Келиб чиқиш манбаларига кўра, омиллар табиий-иқлимий, ижтимоий, молиявий-иқтисодий, саноат-технологик, илмий-техник ва ташкилий-бошқарув гуруҳларига бўлинади.

⁷Муаллиф ишланмаси

Ўзбекистон Республикаси кўмирнинг 1900 млн.тонна, жумладан кўнғиркўмир – 1853 млн.тонна, тошкўмирнинг - 47 млн.тонна захирасига эга. Шунингдек олиб борилган қидирув ишларининг башоратига кўра республика 233,9 млн.тонна кўмир захирасига эга. Кўмирнинг катта захиралари мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида - Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган. Ҳозирги вақтда 3 та конда: Ангрен кўнғиркўмир кони, Шаргунь ва Бойсун тошкўмир конларида кўмир қазиб чиқариш ишлари амалга оширилмоқда.



1-диаграмма. Ўзбекистон кўмир саноати товар маҳсулотларининг ҳажми (млн. сўмда)

Ҳозирги шароитда “Ўзбеккўмир” АЖ саноат корхоналарининг инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бозор талабларига мослаштириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш учун иқтисодий шарт-шароитларни яратишдан иборат.

1-жадвал

“Ўзбеккўмир” АЖнинг инновацион салоҳият кўрсаткичлари⁸

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Технологик инновацияларга харажатлар	4772	5198	1990	1048	2456	2365	2545
Тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар	1791	2055	1210	982	976	1456	1255
машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланган харажатлар	4970	3174	2246	1034	1807	1120	3220
технологияларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар	18	12	11	16	14	12	25
ходимларни ўқитиш ва тайёрлашга сарфланган харажатлар	567	48	35	24	29	19	29

⁸ “Ўзбеккўмир” АЖнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш							
ходимларни ўқитиш ва тайёрлашга сарфланган харажатлар улуши	4,6	2.3	2.6	2.0	2.6	1.9	4.3
Ўртача кўрсаткич							16,6
тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар улуши	43.3	39.9	37.6	21.9	11.9	21.8	22,8
Ўртача кўрсаткич							28,4
машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланган харажатлар улуши	74,5	66.7	61,5	52.8	53.9	42.9	64.3
Ўртача кўрсаткич							59,51
технологияларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар улуши	2,1	1.4	2.0	2,7	2.6	1.9	7.1
Ўртача кўрсаткич							2.8

Саноат корхоналарида замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва модернизациялаш жараёнини амалга ошириш инновацион фаолиятни ва унинг салоҳиятини аниқлаш ва баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Инновацион соҳага самарали таъсир этадиган инфратузилма - бозор билан инновация соҳа орасидаги турли – туман, мажмуавий ва узок муддатли ўзаро ҳаракатга асосланган, прогрессив технология ассимиляцияси ва унинг процедурасига иқтисод адаптациясини таъминлайдиган муҳим омил. Маълум даражада рақобат механизми инновация жараёнлари интенсификациясини (тезкорлигини) таъминлайди.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Ўзбеккўмир” акционерлик жамияти корхоналарида инновацион фаолиятни самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**” деб номланиб, унда саноат корхоналари инновацион фаолиятини ташкил этишнинг амалий механизмлари ва корхонанинг инновацион салоҳияти даражасини баҳолашга нисбатан жамлама индекс асосида баҳолаш алгоритми ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертация ишида таъкидланганидек, инновацион фаолиятни олиб борувчи субъектлар таркибига қуйидаги унсурларни киритиш мумкин: таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, венчур фирмалари, инжиниринг марказлари, технопарклар, технополислар, бизнес-инкубаторлар, тажриба ва сертификатлаш марказлари, трансферотехнологиялар маркази, маркетинг марказлари, кичик инновацион фирмалар, интеллектуал мулкчилик бўйича ахборот маълумотлар базаси ва бошқалар. Саноат корхоналарида инновацияларни ўзлаштириш тўғрисида қарорларни ишлаб чиқишга кўпроқ бозор омиллари таъсир кўрсатади, бунда субъектив омилларнинг таъсири ушбу жараёнга кўпроқ эмпирик ёндашув

билан шартлайди. Буларнинг ҳаммаси саноат корхонасининг инновацион ривожланиши самарадорлиги пастлигини кўрсатади.

Мазкур ишда мавжуд расмий маълумотлар асосида Ўзбекистонда инновация фаолияти ривожланишининг муҳим кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра, сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион товар, иш ва хизматлар улуши 2012 йилда 2,9 %, 2014 йилда 3,9%, 2016 йилда 5,8 % ни ташкил этган. 2018 йилда сотилган инновацион маҳсулотлар улуши 6,5% ни ташкил этган, бу 2012 йилдагига қараганда тахминан 0,7 фоизга ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда 2012-2018 йилларда инновация фаолияти ривожланишининг (саноат) муҳим кўрсаткичлари динамикаси⁹

№	Кўрсаткичлар	2012 й.		2014 й.		2016 й.		2018 й.	
		жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат
1.	Сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши, %	2,9	4,5	3,2	3,9	5,8	8,4	6,5	8,4
2.	Сотилган инновацион товар, иш ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати, %	100	100	62,3	54,6	126,4	130,7	116,4	125,4
3.	Инновациялар учун сарфланган умумий харажатларда ташкилотларнинг ўз маблағлари улуши, %	60,5	74,9	70,6	75,2	68,4	54,0	36,8	31,0
4.	Инновациялар учун харажатлар коэффициенти	0,014	0,012	0,005	0,004	0,003	0,005	0,026	0,043
5.	Инновациялар учун харажатлар ҳажмининг ўсиш суръати, %	100	100	121,4	63,8	73,0	122,4	72,0	91,1
6.	Инновацион фаол корхоналар улуши	0,13	0,37	0,07	0,25	0,07	0,23	0,35	1,29
7.	Ҳар бир инновацион фаол корхона ҳиссасига тўғри келувчи жорий этилган технологик инновациялар сони	2,2	3,5	4,4	3,5	3,8	3,9	1,7	1,6
8.	Илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик даражаси – University-Company	25,5	15,5	15,8	19,3	8,8	16,3	9,2	4,5

2018 йилда республикамызда 2171 та корхона томонидан 18543,3 млрд. сўмлик инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилган. Ушбу даврда улар томонидан 1946та технологик инновациялар жорий этилган. Бироқ, инновацион фаол корхоналар улуши 0,34 фоизни, инновацияларни тегишли тармоқ ёки соҳаларга жорий этиш коэффициенти эса атиги 1,2 ни ташкил этмоқда, холос.

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари, тўпламлари ва даврий нашрларининг маълумотномалари таҳлил асосида тайёрланган.

Умумий экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар экспортининг улуши 1,46 фоиздан иборат, холос. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илғор ривожланган хорижий мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 фоизи инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига олинади.

Саноат корхонасининг инновацион салоҳияти кўп сонли турли омиллар асосида шаклланиши сабабли, унинг умумлашган даражаси ва баҳосини аниқлаш қийинчилик туғдиради.

